



ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 март кунининг иккинчи ярмида Германия Федерал канцлери Ангела Меркель билан видеоанжуман шаклида музокара ўтказди.

Бугунги кунда жаҳоннинг илғор мамлакатларидан бири бўлган Германия саноат ва технологиялар борасида тан олинган пешқадам сифатида глобал иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Бундан ташқари, Германия пандемия оқибатларини енгиб ўтиш бўйича халқаро ташаббусларни илгари суришда фаол иштирок этиб, жаҳон мамлакатларига, шу жумладан, Ўзбекистонга катта амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Хусусан, Германия кўмаги билан COVAX ташаббуси доирасида шу оғир охирида мамлакатимизга коронавирусга қарши вакцинанинг биринчи ийрик партияси етказиб берилди. Бундан ташқари, Европанинг юқумли касалликларни ўрганиш соҳасидаги нуфузли илмий-тадқиқот муассасаси — Роберт Кох институти билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган.

Ўзбекистон ва Германия етакчиларининг бугунги учрашуви кун тартибидан жаҳонда мураккаб эпидемиологик вазият оқибатида инқирозли

ҳодисалар кучайиши шароитида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон Президенти ва Германия Канцлери икки йил аввал Берлин шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларнинг биргаликда амалга оширилаётгани икки томонлама муносабатларнинг барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда янги демократик янгиланишлар сиёсатини оғишмай қўллаб-қувватлаётгани ҳамда юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларга молиявий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганини кенгайтираётгани учун ГФР ҳукуматига миннатдорлик билдирди.

Иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Германия Ўзбекистоннинг муҳим технологик ва инвестициявий шериги бўлиб келмоқда.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,5 баробар кўпайди, 50 га яқин янги қўшма корхона ташкил этилди. Ўзбекистонда Германиянинг "MAN", "Claas", "Knauf", "Papenburg" каби машҳур компаниялари фаол ишламоқда. "Volkswagen" ва "Viessmann" компаниялари илк бор юртимиз бозорига кириб келган бўлса, узоқ танаффусдан сўнг "Siemens" ва "Bosch" компаниялари қайтиб келди. Ўтган йилда Германия компаниялари томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 700 миллион доллардан ошди.

Учрашувда қўшма лойиҳалар, ишбилармонларнинг алоқалари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, етакчи немис компаниялари ва банк институтларининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга келишиб олинди.

Кооперациянинг янги йўналишларини, энг аввало, индустриал кластерлар, рақамлаштириш ва "яшиш" иқтисодиётни ривожлантириш масала-

ларини муҳокама қилиш, қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги учрашувини ўтказиш режалаштирилди.

Томонлар мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши масаласида ҳамда Европа Иттифоқи билан конструктив мулоқот доирасида, шу жумладан, Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тайёрлашни тез фурсатда яқунлаш бўйича ҳамкорликни давом эттиришга аҳдлашиб олдилар.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва гендер тенглик каби устувор йўналишларда ҳамкорликни мустақамлаш муҳим экани таъкидланди.

Гуманитар алмашинувлар соҳасида Ўзбекистонда немис тилининг ўрганилишини кенгайтириш ва бу борада тегишли давлат дастурини қабул қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Президенти ва Германия Канцлери халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда глобал ва минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мамлакатимизнинг Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва шериклик муносабатларини мустақамлаш борасидаги сиёсати қўллаб-қувватланди. Афғонистондаги тинчлик жараёнига қўллаб-қувватлаш, шу мақсадда транспорт ва энергетика соҳаларида минтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш борасида кўрилатган саъй-ҳаракатлар юксак баҳоланди.

Музокаралар якунида Президент Шавкат Мирзиёев Федерал канцлер Ангела Меркелни Ўзбекистон Республикасига ташриф билан келишга таклиф қилди.

Ўзбекистон ва Германия етакчиларининг учрашуви ҳар доимгидек очиқ ва конструктив муҳитда, ишчан ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон — Қирғизистон:

СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ДАВРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан, Қирғизистон Республикаси Президенти Саидр Жапаров 11-12 март кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Авал хабар қилингандек, ташрифнинг асосий тадбирлари 11 март кунини Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Саидр Жапаровнинг тор ва кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шерикликка асосланган муносабатларни янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида кўп қиррали Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлигининг деярли барча йўналишларини қамраб олган 22 та ҳужжат имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи кунини Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Саидр Жапаров Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтказди.

Бу Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари дўстлигининг, давлатлараро муносабатларда янги давр бошланганининг рамзи бўлди, дейиш мумкин.

Мазкур хиёбонда бошқа ҳамкор давлатлар раҳбарлари эккан дарахлар ҳам бор.

Қирғизистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкент шаҳридаги технопаркда Ўзбекистон — Қирғизистон бизнес форуми ва Ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтган эди.

Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида мазкур технопаркка ташриф бурди.

Ушбу замонавий мажмау давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 майдаги "Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган. Бу ерда умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Қирғизистон Президентига технопаркдаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — маиший техникалар, электрон газ ҳисоблагичлар, лифтлар, сув насослари, саноат кондиционерлари ва совитиш тармоқлари ҳақида маълумот берилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистоннинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди. Кўргазмага 24 та тармоқ ва 14 худудда ишлаб чиқарилаётган мингдан ортиқ маҳсулотлар кўйилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистонда ҳам керакли салоҳият борлиги, уни юзага чиқариш учун Ўзбекистон кооперациялар ташкил этиш ва таъриба алмашишга тайёр эканини таъкидлади. Тармоқ раҳбарларига Қирғизистондаги турдош муассасалар билан яқиндан ишлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон халқи номидан Қирғизистон халқига юртимизда ишлаб чиқарилаётган тез тиббий ёрдам машиналари совға қилинди. Саидр Жапаров қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатлари, доимий кўмаги ва қўллаб-қувватлаши учун миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимизнинг саноат салоҳияти, маҳсулотларнинг кенг assortименти ва сифати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Олий мартабали меҳмон ташриф доирасида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан учрашди.

Учрашувда томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасида ҳамкорликнинг барча даражаларида алоқаларни фаоллаштириш ҳамда Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентлари раҳбарларининг ўзаро ташрифлари амалиётини давом эттиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Икки мамлакат Президентлари музокараларида эришилган келишувларни амалга ошириш хусусида сўз юритилди.

Қонун ижодкорлиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, Олий Мажлис Сенати ва Жогорку

Кенеш шафелигида минтақалараро форумни ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

Қирғизистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоиловни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги стратегик ҳамкорлик даражасига чиққани, дўстона ва яхши қўшничилик алоқалари жадал ривожланаётгани қайд этилди.

Икки мамлакат қонунчилик органлари ўртасидаги алоқаларни янада кучайтиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаровнинг музокаралари якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга оширишда икки мамлакат ҳукуматлари олдида турган муҳим вазифалар кўриб чиқилди.

Транспорт, энергетика соҳаларида Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш мuddати келишиб олинди.


Шу билан Қирғизистон Республикаси Президенти Саидр Жапаровнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунланди.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кузатиб қўйди.

М.ЭЛМУРОДОВ,
З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ САММИТ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҚАРАШЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШГА ИМКОН БЕРДИ



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг бугун видеоконференция шаклида бўлиб ўтган саммити якунлари халқаро

экспертлар ҳамжамияти вакиллари-нинг диққат-эътиборини тортмоқда. Sahir Kiran (SASAM) стратегик тадқиқотлар маркази директори (Туркия) Меҳмет Эмре Каракосе "Дунё" ААга берган интервьюсида олий даражадаги музокаралар ҳали ишга солинмаган имконият ва манбалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйишга ҳамда кўп қиррали икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришда умумий ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беришини таъкидлади.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида устав капитали 50 миллион доллар бўлган инвестиция жамғармасининг ташкил этилиши ҳақидаги хабар халқаро бизнес ҳамжамияти, хусусан, Марказий Осиё давлатлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилаётган тадбиркорлар томонидан катта кизиқиш билан кутиб олинди.

Жонг Ёнг Хун, "Myung Sung Pacion Co., Ltd." компанияси президенти (Жанубий Корея):

— Биз Ўзбекистон билан 15 йилдан ортиқ вақтдан буён ҳамкорлик қилиб келамиз. Мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги воқеалар ривожини кузатиб борамиз.

▶ Давоми 2-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ САММИТ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҚАРАШЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШГА ИМКОН БЕРДИ

Бошланиши 1-бетда



— Саммит икки давлат ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётганидан далolat берди, — деди у. — 2019 йил январь ойида Ўзбекистон Президенти Германияга расмий ташриф буюргани ва ўша йилнинг май ойида Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистонга жавоб ташрифи билан келганини яхши эслаймиз.

Воқеаларнинг бундай изчиллиги Президент Шавкат Мирзиёевнинг хорийик шериклар билан фаол, конструктив ҳамкорликка, замонавий халқаро муносабатлар тизимида мамлакат миллий манфаатларини изчил таъминлашга қаратилган ташқи сиёсий стратегиясига тўлиқ мос келади.

Анкара

“Дунё” АА

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда



Бота Топе Хопкинсон, “Conservative Friends of Eurasia” ташкилоти раиси (Буюк Британия):

— Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида салмоқли ҳужжатлар тўплами имзолангани бутун минтақа учун катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга.

Биринчидан, Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг учрашуви натижалари ишончли шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, амалий ҳамкорликни ривожлантириш ва белгиланган вазифалар ижросини тезлаштиришга ёрдам беради. Коронавирус пандемияси бошланганидан буён Ўзбекистонга ташриф буюрган биринчи хорийик давлат раҳбари қўшни мамлакат қатъий ишонаман.

“Дунё” АА

САЙЁР ҚАБУЛ

АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПМОҚДА

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

— Халқ қабулхонаси келганини эшитгач, югуриб келавердим, — дейди Нукус шахрининг Айтбай Бекимбетов кўчасида яшовчи фуқаро Нажиматдин Бердибаев. — Ўғлим Муҳаммадали Бердибаев 2008 йили Қозоғистонга ишлагани кетган. Ундан шу кунгача дарак йўқ, 2014 йили тегишли жойларга ариза берганман. Ўғлимни излаб, Қозоғистонга бориб келдим. Лекин натижа бўлмади. Бугунги қабулдан умидим катта. Зора, жигарбандим топилса...



Президент Администрацияси ва Халқ қабулхоналари томонидан Қорақалпоғистонда ташкил қилинган суд-ҳуқуқ масалалари бўйича оммавий қабулларда Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари мурожаатчилар билан юзма-юз мулоқот қилиб, уларнинг ариза ҳамда шикоятларидаги масалаларга ечим излади.

Қорақалпоғистонда айнан суд-ҳуқуқ тизимиغا оид мурожаатларни кўриб чиқиш учун алоҳида мулоқот майдони ташкил қилинаётгани беҳиз эмас. Маълумотларга кўра, 2020 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида Президент виртуал қабулхонаси ҳамда Қорақалпоғистондаги Халқ қабулхоналарига Оролбўйи аҳолисида 54 мингдан зиёд мурожаат қабул қилинган. Уларнинг 51 минг 210 дан зиёди кўриб чиқилган ва 27,7 мингдан кўпиде кўтарилган масалаларга ечим топилган, қолган мурожаатлар бўйича тушунтириш берилган.

— Мен Нукус шаҳридаги Бежган шоир кўчасида истикомат қиламан. “Каттагар” темир-бетон заводиде ишлаганман. Пенсияга чиқаётганимда исмидаги битта ҳарфий хато туфайли, 10 йиллик стажим ҳисобга олинмаган, — дейди Қасенбай Утебергенов. — Судья Мийригул Дауёнова 10 йиллик меҳнат стажимни қайта тиклашга ёрдам кўрсатди. Шунга миннатдорчилик билдиргани келдим.

Мазкур оммавий қабуллар суд-ҳуқуқ масаласидаги муаммоларга ечим из-

лаб юрганлар учун раҳбарлар билан юзма-юз мулоқот қилиш имконини бермоқда. Ҳар бир соҳа бўйича масалалар алоҳида шўбаларда шу тизимларнинг Қорақалпоғистондаги ҳудудий раҳбарлари билан бирга кўриб чиқилгани эса мурожаатчилар учун ҳам, маъсуллар учун ҳам ҳар бир масалани чуқур ўрганши ва ечим топишга йўл очяпти.

Нукуслик Фозилбек Абдужалиевнинг шаҳардаги ҳовлиси 2016 йили бузилишга тушган. Бироқ бунинг эвазига унга ер ҳам ажратилмаган, компенсация ҳам тўланмаган. Мурожаатчининг айтишича, бузилган уй-жойи учун компенсация тўлаши шарт бўлган қурилиш корхонаси вакили уни алдаб, уч фарзанди ва ногиронлиги бор аёли билан кўчада қолдирган.

Бош прокуратура маъсуллари бу оиланинг мурожаатини ўз назорати-га олди. Бузилган уйнинг аниқ баҳо-сини чиқариш, мулкдор ва қурилиш корхонаси ўртасидаги келишимовчиликка ҳуқуқий баҳо бериш, айбдорларни аниқлаш учун терговга қадар текширув ўтказиш, мурожаатчи айтаётган фарибгарлик ҳолатини аниқлаш ва адолатли қарор топириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига аниқ муддатли қатъий топшириқ берилди.

Қидирбай Султонов “Қорақалпоқ дон маҳсулотлари” корхонасида оддий ишчи бўлиб ишлаган. Хуснихати чи-ройли бўлгани бос, корхона раҳбар-

лари уни ҳисоб-фактураларни ёзиб беришга ҳам жалб қилиб турган. 2013 йили корхонада аралаш ем маҳсулотларини талон-тарож қилиш орқали катта камомадга йўл қўйган уюшган жиноий гуруҳ аниқланиб, улар қаторида оддий ишчи Қидирбай ҳам қамоққа олинади. 2014 йил 19 мартдаги суд ҳукми билан 5 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган Қидирбай Султонов белгиланган жазо муддатининг 1 йил 3 ой муддатини ўтаб бўлгач, озодликдан маҳрум қилиш жазоси енгилроғига алмаштирилган. Сабаби дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди унинг айбловда қайд этилган ҳужжатларни қалбақлаштиришда, моддий жавобгарлик, шу жумладан, корхона мулкни талон-тарож қилишдаги иштирокини исбот қилмаган ҳолда барвақт ҳуло-сага келгани аниқланади. Сайёр қабул давомида Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати Қидирбай Султоновнинг шикоятини жиноят иши матери-аллари билан биргаликда кўриб чиқди ва фуқаро оқланди.

Кегейлилик Давлетбой Маҳамбетов 2014 йили Нукуснинг “Орол” футбол клуби бош ҳисобчиси бўлиб ишлаган вақтида қатор молиявий жиноятларни содир қилганлиқда айбланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Унинг ўзи ва яқинларининг Президент виртуал қабулхонасига мурожаатларидан сўнг 2018 йили, яъни маҳкум жазонинг 4 йил муддатини ўтаб бўлгач, Давлетбой акага белги-ланган жазо чораси енгилроғига ал-маштирилади. Сабаби унга нисбатан қўлланган айбловлар тўла исбот-ланмайди, тўпланган далиллар айб-дор, деб топиш учун етарли бўлмай-ди. Давлетбой Маҳамбетовнинг оқлов ҳукми сўраб қилган мурожаатларидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича суд-лов хайъати ажримига кўра, бу инсон ҳам қилмишларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли оқланди.

Оролбўйида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича ташкил қилинган оммавий қабулларда Қорақалпоғистон жану-бий ҳудудлари — Амударё, Беруний, Тўрткул ва Эликқалъа туманлари аҳолисининг бу борадаги муаммо-лари Беруний туманида ўрганилди. Мулоқотларда ҳар бир мурожаат тин-глашиб, ариза ва шикоятлар ҳар бир соҳа-йўналиш бўйича ҳудудлардаги бевосита маъсул раҳбарлар билан очик-ошкора муҳокама қилинди. Ечи-ми бор масалалар эса жойида ҳал қи-либ берилди.

Ички ишлар тизимида 10 йил ишлаган Қайрат Райимбеков ҳам тақ-дирнинг оғир синовларига дуч келди: 2009 йил октябрда пора олиш бўйича уюшган гуруҳ аъзоси сифатида ноҳақ айбланиб, 15 йил муддатга озодлик-дан маҳрум қилинди. Орадан опти йил ўтиб, 2015 йил декабрда Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғри-

66

Амударё ва Беруний туманларида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича ташкил қилинган оммавий қабулларда 457 нафар мурожаатчининг 477 та масаласи кўриб чиқилди. Уларнинг 82 таси ижобий, 193 таси ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал қилинди, 50 та мурожаат эгасига тушунтириш берилди, 152 та масала назоратга олинди.

сидаги қарорига асосан, қамоқдан озод қилинган.

Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ташкил қилин-гач, Қайрат Райимбеков ўзининг ноҳақ айбланиб қамалганини, тўла исбот-ланмаган айблари учун 6 йил 9 ойдан зиёд вақт қамоқда ўтирганини айтиб, судланганлиқни олиб ташлашни сўраб мурожаат қилади. Қорақалпоғистонда ташкил қилинган оммавий қабулларда Президент Администрацияси, Олий суд, Бош прокуратура маъсулларининг қабулларида бўлиб, адолат сўрайди. Унинг мурожаати ҳар томонлама син-чиқлаб ўрганилгач, 2019 йил ундан судланганлиқ олиб ташланади, 2020 йил 2 сентябрь кuni эса оқланади.

Бу галги оммавий қабулга миннат-дорчилик билдириш учун келган Қай-рат Райимбековнинг яна бир мурожа-ати қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Фуқаролик ишлари бўй-йича суди унинг ишга тиклаш ва маъ-навий зарар ҳақидаги даъво аризаси-ни кўриб чиқадиган бўлди.

Амударёлик Мақсуд Холмуродов-нинг ўғли Расул Холмуродов ҳам про-фактика инспектори бўлиб ишлаган вақтида — 2010 йил 9 сентябрда 50 минг сўм пора олганлиқда айбланиб, ҳибсга олинади. Қарийб 3 ойдан сўнг судда унинг иши кўриб чиқилиб, 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайин-ланиб, озодликка чиқарилади. Энди эса Мақсуд Холмуродов ўғлига оқлов ҳукми сўрамоқда. Мурожаатидан сўнг Олий суд бу масалани кассация тарти-бида кўриб чиқадиган бўлди.

Яқинда судлар бирлаштирилгач, Беруний тумани маъмурий судининг судья ёрдამчиси бўлиб ишлаган олий маълумотли ҳуқуқшунос Дилфуза Тўраева ишисиз қолди. У ишлаган штат бирлиги қисқартирилди. Оммавий қа-булда Судьялар Олий кенгашидан ўз соҳаси бўйича доимий иш топиб бе-

ришларини сўраган Дилфуза Тўраева фуқаролик ишлари бўйича Беруний ту-манларо судига ишга қабул қилинди. Амударё ва Беруний туманларида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича ташкил

24 декабрдаги кассация инстанцияси ажримдан норози эканини билдирди. Бу масала тез орада Олий судда кас-сация тартибида кўриб чиқиладиган бўлди.



қилинган оммавий қабулларда 457 на-фар мурожаатчининг 477 та масаласи кўриб чиқилди. Уларнинг 82 таси ижоб-ий, 193 таси ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал қилинди, 50 та мурожаат эгасига тушунтириш берилди, 152 та масала назоратга олинди.

“Хўжайли тумани “Кейки мерген” фермер хўжалиги раҳбари Турсунбай Худайбергенов сув етказиб берувчи ташкилотнинг айби билан катта зарар кўрган. Биринчи инстанция суди даъво аризасини қаноатлантирмагани бос, қабулга келди. Фермерга Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий суди судьяси Ўткиржон Саборов апелляция шикояти бериш бўйича ҳуқуқий маслаҳат берди.

Мулоқотлар давомида суд қарор-ларини қайта кўриш, ижро қилдириш, компенсация ундириш, тергов, су-риштирув каби мурожаатларни кўриб чиқиш учун эса қўшимча ўрганишлар ва муддат зарур. Шунинг учун ҳам бу борадаги барча мурожаатлар бўй-йича аниқ муддат белгиланиб, назорат-га олинди. Айтайлик, нукуслик До-ниёр Қанназаров ва унинг адвокати ҳам Олий суд раҳбариятидан жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Олот тумани судининг 2009 йил 15 июндаги ҳукми ва шу вилоят судининг 2020 йил

Ҳа, яқинда Қорақалпоғистон Республикасида суд-ҳуқуқ масала-лари бўйича ўтказилган оммавий қабулларда адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши билан боғлиқ бундай ҳолатларга кўплаб гувоҳ бўлдик. Ну-кус шаҳри, Амударё, Беруний, Кўнги-рот, Хўжайли, Чимбой туманларидаги очик мулоқотлар майдонида Қорақал-поғистоннинг барча туман ва шаҳар-ларидаги мурожаатчилар қамраб олинди. Барча ариза, шикоятлар ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича ҳудуд-лардаги маъсул раҳбарлар иштиро-кида синчиқлаб кўриб чиқилди.

Тўрт кунлик қабулда Олий суд маъсуллари 897 нафар, Судья-лар олий кенгаши раҳбарлари эса 113 нафар мурожаатчининг жами мингдан зиёд масаласини кўриб чиқди. Мулоқотлар натижасида 8 на-фар шахс оқланди, 3 нафар судьяга нисбатан интизомий иш кўзғати-лди. 67 нафар шахсга нисбатан қўзғати-лган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ту-гатилди. 67 нафар шахсга нисбатан тайинланган маъмурий жарима жа-золари бекор қилинди, 1 та ҳолат-да жиноят ишини тутатиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, қўшимча тер-гов ҳаракатлари ўтказишга юборил-ди. Тадбиркорлик субъектларининг 25 та даъво аризалари қаноатлан-тирилиб, 1,9 миллиард сўм қарздорлик ундирилиши белгиланди. 172 та му-рожаат бўйича аризалар Олий судда кассация тартибида мазмунан кўриб чиқиш учун қабул қилиниб, тегишли судлов хайъатларига ҳал этиш учун ўтказилди.

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, сайёр қабулларда адолат ва ҳақиқат қарор топиб, аҳолининг ечимини кута-ётган муаммолари ҳал этиляпти.

ЖАМИЯТ — ИСЛОҲОТЛАР ТАШАБУСКОРИ

ННТЛАР ФАОЛИЯТИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ



Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича парламент комиссияси аъзоси, сенатор

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги ислохотлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлар роли ва нуфузи ошиб бормоқда. Хусусан, қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш, қонун ва қарорларни жамоатчилик назорати тартибда мониторинг қилиб бориш ҳамда жамиятда фаол фуқаролик позицияси шаклланишида ННТлар муҳим куч сифатида майдонга чиқмоқда. Ўз навбатида, нодавлат ташкилотлар соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аёллар ва ёшларга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмаклашиш билан бирга, ҳудудларда ишсизликнинг олдини олиш ҳамда меҳнат бозорига барқарорликка эришиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлаш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Жамиятда ННТлар сони ва фаолиги юқори бўлган мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши жадал суръатларда кечади. Ўзбекистонда ҳам айна вақтида ун мингга яқин ННТ мавжуд бўлиб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватловчи йиғирмага яқин қонун, 200 га яқин бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат қабул қилинган.

ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари самарали ишлашга, жамиятда фаол бўлишга, давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим, халқни ўйлантираётган масалаларни олиб чиқишга интилаётган бўлса-да, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда.



Таъкидлаш жоиз, мазкур ҳужжатлар "Ёшлар-

ни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" давлат дастурининг ННТларнинг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаолиги ва фаолияти самарадорлигини оширишга доир банди ижросини таъминлашга қаратилган.

Қарор билан ННТларга қатор имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, ННТлар томонидан хорижий манбалардан олинган пул маблаглари ва мол-мулкнинг бир календарь йилидаги жами суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг йиғирма бараваридан юз бараваригача оширилган бўлди. Бунда рўйхатдан ўтказувчи орган фақатгина маълумот учун хабардор қилинади. ННТни қайта рўйхатдан ҳамда унинг рамизини давлат рўйхатидан ўтказиш муддати эса бир ойдан ўн беш кунгача қисқартирилди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, нуронийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмалари раамзларини давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш учун эндиликда давлат божи ундирилмайди. ННТнинг алоҳида бўлиниши эса юридик шахс ҳисобланиши белгилаб, бунда уларни ҳисобга қўйиш тартиби бекор қилинди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва унинг маблагларини бошқариш бўйича парламент комиссияси турли йўналишлардаги ННТларга ҳар томонлама, хусусан, молиявий жиҳатдан фаол кўмаклашиб келмоқда. Яъни парламент комиссияси қарорлари асосида мазкур фонд томонидан ҳар йили ННТларнинг фуқароларни ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш борасидаги долзарб ташаббуслари акс этган лойиҳалари учун турли кўринишдаги давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртмалар маъқуллашиб, молиялаштириб борилмоқда. Биргина ўтган тўрт йил мобайнида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг 1 270 дан ортққ лойиҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 117 миллиард сўм ажратилгани фикримиз далилидир.

Юқорида зикр этилган ҳужжатларда Олий Мажлис палаталарига бир қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона вертикал тизимини жорий қилиш тавсия этилди. Бунда, биринчи навбатда, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш, давлат субсидиялари, грантлар ва



ижтимоий буюртмалар бериш тартибини соддалаштириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, ягона вертикал тизимда ажратилаётган маблагларни устувор равишда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, бандлик, ижтимоий хизматлар, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, коммунал хўжалиги каби соҳаларда муаммоларни ҳал этиш учун ижтимоий буюртмаларга йўналтириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ечимлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш масалалари ҳам устувор ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, маҳаллий ННТларни ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни молиялаштириш учун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига давлат субсидияси ажратиб борилади.

Шу билан бирга, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясининг халқаро грант маблаглари ҳисобидан 2021–2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги фуқаролик ташаббусларини амалга ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, мавжуд муаммоларнинг ечимини юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда шахсий билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилувчи коворкинг марказларни ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Келгусида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ННТларнинг доимий вакили институтининг жорий этилиши эса жамоатчилик назоратининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг натиждорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Фармон билан тасдиқланган 2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепциясида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг янада такомиллаштириш, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш каби муҳим вазифалар белгиланди. Концепцияни 2021 йилда амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди. Шунингдек, концепцияни ҳар икки йилда ҳукумат қарори билан алоҳида тасдиқланган "йўл харитаси" орқали бошқичма-бошқича амалга ошириб бориш назарда тутилмоқда.

"Йўл харитаси" доирасида ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаш ҳамда 2021 йилда камида 1,2 баравар, 2025 йилга келиб эса 1,8 баравар оширилади. Маҳаллий кенгашлар ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларига эса 2021 йилда 16 миллиард сўм, 2025 йилда 70 миллиард сўм ажратилади.

Шу йил 1 апрелдан бошлаб ННТ фаолиятининг очиклик индекси жорий қилинади ва унга кўра, ҳар йил яқунлари бўйича ННТлар томонидан амалга оширилган ишлар, ижтимоий шериклик даражаси, ажратилган субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар натиждорлиги ва бошқа муҳим фаолият кўрсаткичларига асосан рейтинг тузилади.

Мазкур ҳужжатларнинг ҳаётга жорий этилиши ННТларнинг таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашдаги иштирокини янги босқичга олиб чиқади. Самарадор жамоатчилик назорати эса жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарлик бўлишига хизмат қилади.

ҲУҚУҚ

ҚИЙНОҚЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ



Дилора БОЗОРОВА, Тошкент давлат юридик университети профессори вазифасини бажарувчиси, юридик фанлар номзоди

Мамлакатимизда қийноқларнинг олдини олиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга доир халқаро мажбуриятларни бажариш йўлида тизимли, изчил чора-тадбирлар бошқичма-бошқича амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон ўз халқаро мажбуриятларини бажариш доирасида БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига бешта маъруза тақдим этди. 2019 йил ноябрь ойида БМТ қўмитасининг 68-сессиясида Қийноқларга қарши конвенция қоидаларини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг бешинчи даврий маърузаси кўриб чиқилди ва қўмитанинг яқуний хулосаси ҳамда тавсиялари берилди.

тақдим қилиш амалиётини жорий этиш бўйича таклифлар билдирди. Бу эса суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларнинг шаъни ҳамда қадр-қиммати камситилишига йўл қўймай, шунингдек, суд ва тергов органларининг масъулиятини янада кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва судга бўлган ишончини ошириш имконини беради.

Амалдаги қонунийликда жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний таъйиб ва бошқа шафқатсиз, ғайриин-

соний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шахсга нисбатан бундай қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги қарори билан дипломатик корпус, халқаро, республика ва маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар, хорижий ва маҳаллий оммавий

ахборот воситалари вакилларининг жазони ижро этиш муассасаларига ташрифини ташкил этиш тартибини, жумладан, ташрифни ташкил этишга рухсат бериш тартиб-таомиллари ҳамда рад этиш асосларини назарда тутувчи низом тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари яқинда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясидаги нутқида қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш, одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўйилмаслиги, Қийноқларга қарши конвенциянинг факультатив протоколи ратификация қилинишини таъкидлаб ўтди.



Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"да БМТнинг Қийноқларга қарши конвенцияси факультатив протокоliga қўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгиланган.

2002 йил 18 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясига асосан қабул қилинган мазкур протоколнинг мақсади қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ёки жазо турларининг олдини олиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларига мустақил халқаро ва миллий органларнинг доимий ташрифлари тизимини яратишдан иборат.

Протоколга кўра, ҳар бир иштирокчи давлат қийноқларнинг олдини олиш учун бир ёки бир неча мустақил миллий профилактика механизмининг белгилайди. Марказлаштирилмаган органлар томонидан амалга оширилган ишлар, ижтимоий шериклик механизми профилактика механизми сифатида белгилаши мумкин.

Қийноқларга қарши конвенциянинг факультатив протоколи ратификация қилиниши натижасида жазони ижро этиш муассасаларида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича фаолияти, миллий қонунчилик базаси янада такомиллаштирилади, қийноқларга қарши курашиш бўйича дунё рейтингларида мамлакатимиз кўрсаткичлари юксалишига эришилади.

